

1-боб. Набий (с.а.в.)нинг ўз умматларини Аллох таборак ва таолони яккаю ягона деб эътикод килишга даъват килганлари хакида.

7371-ҳадис. *Ибн Аббос ривоят киладилар:* “Расулуллох (с.а.в.) Муозни Яманга юбораётиб бундай дедилар: “Сен ахли китоб бўлмиш бир кавм хузурига кетаяпсан, дастлабки киладиган ишинг шуки, уларни Аллох таолони яккаю ягона деб эътикод килишга даъват килгин! Агар сўзинга кирсалар, уларга Аллох таоло бир кеча кундузда беш вақт намоз ўқишни фарз килганини айтгин! Бунга ҳам кўнсалар, айтгинки, Аллох таоло уларнинг молларидан закот олишни ҳам фарз килган бўлиб, бундабойлардан олиб камбагалларга кайтарилади. Агар шу айтганларингга икром бўлсалар, улардан закот олгин, аммо энг яхши молларини олмагин”.

7372-7373-ҳадислар. *Муоз ибн Жабал ривоят киладилар:* “Расулуллох (с.а.в.) менга: “Ё Муоз, биласанми, Аллох таолонинг ўз багдааридаги хаки нима?” - дедилар. Мен: “Аллох таоло ва унинг расули яхширок билади!” – дедим. Жаноб Расулуллох: “Аллох таолога ибодат килиб. унга ҳеч нарсани ширк келтирмасликларидир” – дедилар. Сўнг: “Ё Музо, биласанми, бандаларнинг Аллох таолодаги хаклари нима?” – дедилар. Мен: “Аллох таоло ва унинг расули яхширок билади!” – дедим. Жаноб Расулуллох: “(Агар бандалар Аллох таолонинг хакини адо этсалар), уларни азобламаслигидир”, - дедилар”.

7374-ҳадис. *Абу Саид ал-Худрий ривоят киладилар:* “Тунда бир одам иккинчи бир одамнинг “Кул хуваллоху аҳад”ни ўқиб такрорлаётганини эшитди. Тонг отгач, у Жаноб Расулуллохнинг хузурларига борди-да, шу ҳақда гапириб уни камситди. Шунда Жаноб Расулуллох: “Жоним кўлида бўлган зот хаки, бу сура Куръони каримнинг нақ учдан бирига тенгдир!” – дедилар”.

7375-ҳадис. *Ойша (рз.) ривоят киладилар:* “Жаноб Расулуллох бир кишини Сарияга бошлик килиб юбордилар. У ўз шерикларига имомлик килиб ўқиган намозни нукул “Кул хуваллоху аҳад” билан тамомлар эди. Улар Жаноб Расулуллохнинг хузурларига кайтиб келишгач, шу ҳақда айтишди. Жаноб Расулуллох: “Сўранглар-чи, у нима учун у бундай

килган экан?” – дедилар. Улар сўрашган эди, у: “Чунки “Ихлос” сураси Рахмоннинг сифатидир, шу боисдан мен уни ўқимокни яхши кўраман!” – деди. Жаноб Расулulloх: “Унга айтинглар, Аллох таоло ҳам уни яхши кўради!” – дедилар.

2-боб. Аллох таолонинг: “Аллох, деб чорлангиз ёки Рахмон деб чорлангиз. Кандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, унинг гўзал исмлари бордир” (“Исро” сураси, 110-оят), деган ояти каримаси хакида.

7376-ҳадис. Жарир ибн Абдуллох ривоят киладилар: “Расулulloх (с.а.в.): “Одамларга раҳм килмайдиган кишига Аллох таоло ҳам раҳм килмайди!” – дедилар”.

7377-ҳадис. Усома ибн Зайд ривоят киладилар: “Жаноб Расулulloхнинг кизлари (Зайнаб): “Ўғлим жон таслим килай деяпти, ота тезрок келинг!” – деб одам юборди. У зот бунга жавобан салом айтиб: “Фарзанд берадиган ҳам Аллох, уни кайтариб оладиган ҳам Аллох, уларнинг умри унинг даргоҳида аниқ белгилаб кўйилгандир. Аллох таолодан ўзига сабру каноат тилаб, унинг иродасига бўйинсунсин!” – деб айтиб юбордилар. Кизлари: “Отам албатта келсинлар!” – деб яна одам юборди. Бу гапни эшитиб Расулulloх ўринларидан турдилар, у зот билан бирга Саъд ибн Убода, муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бир канча кишилар ҳам туриб йўлга тушдилар. Етиб боришгач, Жаноб Расулulloхга болани узатишди, бола суви йўк мешдек куриган-у, жон танасидан чикиб кетайин деб тургандек эди. Буни кўриб Жаноб Расулulloхнинг муборак икки кўзларидан дувиллаб ёш окди. Шунда Саъд: “Ё Расулulloх, бу нима килганингиз?!” – деди. У зот: “Кўз ёши – Аллох таолонинг ўз бандалари калбига солган раҳмати бўлиб, у раҳмдил бандаларига раҳм килади!” – дедилар.

4-боб. Аллох таолонинг: “Гайбни билувчидир. Ўз гайбидан бирор кимсани хабардор килмас” (“Жин” сураси, 26-оят), “Дархакикат, Аллохнинг хузуридагина киёмат (качон бўлиши) тўғрисида билим бордир” (“Лукмон” сураси, 34-оят), “Лекин Аллох сизга нозил килган нарса (Куръон)га Ўз илми билан гувоҳлик беради” (“Ниса” сураси, 166-оят), “Хар бир аёлнинг хомиладор бўлиши ва кўзи ёриши факат Унинг илми билан бўлур” (“Фотир” сураси, 111-оят). “Киёматнинг маълумоти Унинг ўзигагина кайтарилур” (“Фуссилат” сураси, 47-оят) деган сўзлари хусусида

Яхё ибн Зиёд: “Хар бир нарсанинг зохирлиги ҳам, ботинлиги ҳам Аллох таолонинг илмига боғлиқдир”, - дейдилар.

7379-хадис. *Ибн Умар ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.) бундай дейдилар: “Гайб (Аллох таолонинг ўзигагина маълум нарсалар)нинг бешта калити мавжуд бўлиб, уларни Аллох таолонинг ўзигагина билади: “1) Бачадондаги хомиланинг ўгил ёки кизлигини Аллох таолодан ўзга ҳеч ким билмайди; 2) эртага нима бўлиши Аллох таолонинг ўзигагина аёндир; 3) қачон ёмғир (ёки қор) ёгишини Аллох таолодан бошқа ҳеч ким билмайди; 4) ким қаерда ўлмогини Аллох таолонинг ўзигагина билади; 5) киёматнинг қачон бўлишини Аллох таолодан ўзга ҳеч ким билмайди”.

7380-хадис. *Масрук (рз.) ривоят киладилар:* “Ойша онамиз бундай дедилар: “Кимни сенга: “Мухаммад (с.а.в.) Аллох таолони кўрганлар”, - деган бўлса, ёлгон айтибди, чунки Аллох таоло ўзини (фоний) кўз билан кўриб бўлмаслигини (Қуръонда) айтган. Кимки сенга: “Мухаммад (с.а.в.) гайбни (инсон билолмайдиган нарсаларни) биладилар”, - деган бўлса, ёлгон айтибди, чунки Аллох таоло ўзидан бўлак ҳеч кимса гайбни билолмаслигини (Қуръонда) айтгандир”.

5-боб. Аллох таоло ўзини: “У шундай Аллохдирки, Ундан ўзга илох йўқдир” (“Хашр” сураси, 23-оят) дегани хусусида.

7381-хадис. *Абдуллох ибн Масъуд ривоят киладилар:* “Биз Расулulloх (с.а.в.)га иктидо килиб намоз ўқиётган эдик, ташаххудда “Ас-Салому алаллохи” деб айтган эдик, Жаноб Расулulloх бизга: “Бундай деманглар, чунки “Ас-Салом” Аллох таолонинг исмлариандир. “Ат-Тахиййоту лиллахи вас-салавоту ват-таййиботу, ас-салому алайка аййухан-набиййу ва раҳматуллохи ва баракотуху, ас-салому алайна ва ала ибодуллохис-солихин, ашхаду анла илаха иллаллоху ва-ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва русулуху” деб айтинглар”, - дедилар”...

8-боб. Аллох таолонинг: “У осмонлар ва Ерни хикмат билан яратган зотдир. “Бўл!” – деган онда (истагани) бўлади. Унинг сўзи ҳақдир” (“Анъом” сураси, 73-оят) деган сўзи хусусида.

7385-хадис. *Ибн Аббос ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.) тунда тажаххуд килиб кўядиган дуони ўқир эдилар: “Ё Парвардигор, жамики мактовлар сенга хосдир! Еру осмонлар ва ундаги борликнинг ёруглиги сендандир, жамики мактовлар сенга хосдир! Сен еру осмонлар ва ундаги борликнинг ёритувчиси ва бошқариб турувчисидирсан,

жамики мактовлар сенга хосдир! Сен ҳақдирсан, ваъданг ҳам ҳақдир, сўзинг ҳам ҳақдир, охиратда сени кўриш ҳам ҳақдир, жаннат ҳам ҳақдир, дўзах ҳам ҳақдир, киёмат ҳам ҳақдир, жамики Пайгамбарлар ҳам ҳақдир, Мухаммад ҳам ҳақдир! Ё Парвардигор, сенга бўйинсундим ва сенга таваккал килдим, сенга имон келтирдим ва дилдан сенга тавба килдим, сени деб (душманларинг билан) курашдим, уларга ўзинг жазо берасан, ўтган ва келгуси гуноҳларимни, хуфёна ва ошкора хатоларимни ўзинг кечиргин, сен яккаю ягонадирсан, сендан бўлак илоҳ йўқдир!”

Суфён (ас-Саврий): Расулulloх (с.а.в.) “Сен ҳаксан, сўзинг ҳам ҳақдир!” деб дуо ўкидилар”, - дедилар”.

9-боб. Аллох таолонинг: “Аллох эшитувчи ва кўрувчи зотдир!” (“Нисо” сураси, 134-оят) деган сўзи хакида.

Урва ривоят киладилар: “Ойша (рз) Байтуллох ёнида туриб Жаноб Расулulloх билан айтишиб колдилар. Буни эшитиб, кўриб турган Аллох таоло пайгамбаримиз (с.а.в.)га оят нозил килди). Шунда Ойша (рз.): “Кулоқларига овозларни етказган Аллох таолога шукрлар бўлсин!” – дедилар. Ўшанда Аллох таоло куйидаги ояти каримасини нозил килган эди: “(Эй Мухаммад) Аллох сиз билан ўз эри хакида бахслашаётган ва Аллохга шикоят килаётган (аёлнинг сўзини эшитди)” (“Мужодала” сураси, 1-оят).

7386-ҳадис. *Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят киладилар:* “Биз Расулulloх (с.а.в.) билан бирга сафарда эдик. Шунга хар гал тепаликка кўтарилганимизда бор овозимиз билан “Аллоху акбар!” дер эдик. Жаноб Расулulloх буни эшитиб: “Ўзларингизни авайланглар, чунки сизлар кулоғи кар ёки гойибий бир кимсага эмас, балки доимо ёнгинангизда эшитиб ва кўриб турувчи Аллох таоло дуо айтаяпсизлар!” – дедилар. Сўнг, у зот, мен ичимда “Ла хавла ва ла куввати илло биллох!” деб турганимда, ёнимга келдилар-да: “Эй Абдуллох ибн Киёс, “Ла хавла ва ла куввата илла биллох!” деб айтгин, чунки бу жаннат хазиначаридан биридир!” – дедилар”.

7387-7388-ҳадислар. *Абдуллох ибн Амр ривоят киладилар:* “Абу Бакр Сиддик Жаноб Расулulloхга: “Ё Расулulloх, менга намозда ўқийдиган бир дуо ўргатсангиз!” – дедилар. Жаноб Расулulloх: “Куйидаги дуони айтгин!” – дедилар: “Ё Парвардигоро, дархакикат, мен (гуноҳ ишлар килиб) ўзимга кўп зулм килдим, гуноҳларни эса, сендан бўлак кечувчи зот йўқдир, мени кечиргин, магфиратингдан бенасиб килмагин, менга раҳм килгин магфиратли раҳмдил зот ўзингсан!”

7389-хадис. Урва ибн аз-Зубайр Ойша онамиздан накл киладилар: “Расулуллох (с.а.в.): “Жаброил (ас) менга “Аллох таоло кавмингнинг сенинг сўзингни рад килиб нима деб жавоб берганини эшитди!” деб нида килдилар”, - дедилар”.

11-боб. Калбларни ўзгартирувчи зот хакида.

Аллох таоло: “Биринчи марта, унга имон келтирмаганларидек, диллари ва кўзларини тескари килиб кўямиз ва тугёнларида гангиб юрган холларида уларни тарк этурмиз” (“Анъом” сураси, 110-оят) – дейди.

7391-хадис. Абдуллох (ибн Умар) ривоят киладилар: “Расулуллох (с.а.в.) кўпинча: “Калбларни ўзгартирувчи зот хаки, (бундай килмайман ёки бундай демайман!)” – деб касамёд килар эдилар”.

12-боб. Аллох таолонинг бир кам юзта исми борлиги хакида

Ибн Аббос: “Зул-Жалол (“Рахмон” сураси, 27-оят) – Буюклик сохиби, ал-Барр – Латиф демакдир”, - дейдилар.

7392-хадис. Абу Хурайра ривоят киладилар: “Жаноб Расулуллох: “Аллох таолонинг тўксон тўккизта, яъни бир кам юзта исми бордир. Кимки уни ёддан билса, жаннатга киради”, - дедилар”.

13-боб. Аллох таолонинг исмларини айтиб илтижо килиш ва панох тилаш хакида.

7393-хадис. Абу Хурайра ривоят киладилар: “Расулуллох (с.а.в.) бундай деб айтдилар: “Агар ўрнингизга кириб ётмокчи бўлсангиз, дастлаб кўрпа-тўшагингизни либосингиз этаги билан уч бор кокиб ташланг, сўнг “Ё Парвардигоро, сенинг исмингни айтиб

ёнбошладим ва сенинг исмингни айтиб тураман! Агар (уйкуда) жонимни олсанг, уни магфират килгин, башарти тирик колдирсанг, уни солих бандаларинг жонини кандай асрасанг, шундай асрагин” деб дуо ўкинг”.

7394-ҳадис. *Хузайфа ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.), агар ўринларига кириб ётсалар: “Ё Парвардигоро, сенинг исмингни айтиб тириламаман ва сенинг исмингни айтиб ўламаман!” – дер эдилар. Агар уйгонсалар: “Бизни ўлдиргандан сўнг тирилтирган ва инсонлар кайта тирилиб даргохига борадиган Аллох таолога шукр!” – деб айтар эдилар”.

7395-ҳадис. *Абу Зарр ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.) тунда ўринларига кириб ётсалар: “Ё Парвардигоро, сенинг исмингни айтиб ўламиз ва сенинг исмингни айтиб тириламиз!” – дер эдилар. Уйгонсалар: “Бизни ўлтиргандан сўнг тирилтирган ва ўзимиз кайта тирилиб даргохига борадиган Аллох таолога шукр!” – деб айтар эдилар”.

7396-ҳадис. *Ибн Аббос ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.) бундай деб айтдилар: “Бирортангиз аёлингиз билан жимоъ килмокчи бўлсангиз, “Бисмиллохи, ё Парвардигоро! Бизни шайтондан, шайтонни эса бизга ато этажагинг фарзандимиздан йирик килгин!” деб дуо айтинг. Агар шунда Аллох таоло сизга фарзанд ато этса, шайтон унга асло зарар етказа олмайди”.

7397-ҳадис. *Адий ибн Хотим ривоят киладилар:* “Мен Жаноб Расулulloхдан: “Овга ўргатилган итимни кўйиб юборсам-у, у ўлжа тутиб келса, менга у халол бўлдимми?” – деб сўрадим. Жаноб Расулulloх: “Агар овчи итингни кўйиб юбораётганингда Аллох таолонинг исмини тилга олган бўлсанг, тутиб келган ўлжасини еявергин, ўзинг найза отиб ўлжани йикитсанг хам еявергин!” – дедилар”.

7398-ҳадис. *Ойша (рз.) ривоят киладилар:* “Одамлар Жаноб Расулulloхга: “Ё Расулulloх, шу атрофда яқиндагина мушриклардан халос бўлиб Исломга кирган кавмлар бор, улар бизга гўшт келтириб турадилар. Улар ўз хайвонларини сўяётиб Аллох таолонинг исмини айтадиларми, йўкми, бунданбеҳабармиз”, - дейишди. Шунда у зот: “Ўзларингиз Аллох таолонинг исмини айтинг-да, еяверинглар!” – дедилар”.

7399-ҳадис. *Анас (ибн Молик) ривоят киладилар:* “Расулulloх (с.а.в.) икки кўчкорни курбонлик килдилар. Шунда хар бири учун алоҳида: “Бисмиллохи, Аллоху акбар!” –

дедилар.

7400-хадис. *Жундуб ривоят киладилар:* “Расулуллох (с.а.в.) Курбон хайити куни намозини ўкиб бўлгач, хутба айтдилар, сўнг: “Кимки хайит намозидан илгари курбонлик килиб кўйган бўлса, ўрнига бошқасини сўйсин ва кимки хали сўймаган бўлса, “Бисмиллохи, Аллоху акбар!” – дед сўйсин!” - дедилар.

7401-хадис. *Ибн Умар ривоят киладилар:* “Расулуллох (с.а.в.): “Оталарингиз номи билан касам ичманглар, кимки касам ичмокчи бўлса, Аллох таолонинг исмини айтиб касам ичсин!” – дедилар”.

30-боб.

Аллох таолонинг сўзи: “Айтинг: “Борди-ю, денгиз (суви) Раббимнинг сўзлари (илму хикматларини битиш) учун сиёх бўлса ва яна шунча сиёх келтирсак ҳам, Раббимнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар” (“Кахф” сураси, 149-оят). “Агар Ердаги дарахтлар калам, денгиз (сиёх бўлса ва) ундан сўнг ва яна етти денгиз унга мадад берса (кўшилиб сиёх бўлиб, ёзиб чикилса) Аллохнинг сўзлари (асло) тугамас. Албатта, Аллох кудрат ва хикмат эгасидир” (“Лукмон” сураси, 27-оят), “Дархакикат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган, кунга тунни коплайдиган – уни (яъни кунни тун) шитоб билан кувади – куёш, ой, юлдузларни Ўз амрига мусаххар (муте) килиб кўйган Аллохдир. Огох бўлингизки, яратиш ва буюриш Унга хосдир” (“Аъроф” сураси, 54-оят), “..хамда Куёш ва Ойни (Ўз амрига) буйинсундирган зотдир” (“Раъд” сураси, 2-оят).

7463-хадис. *Абу Хурайра ривоят киладилар:* “Расулуллох (с.а.в.) бундай дедилар: “Аллох таоло йўлида ва унинг сўзларини тасдик этиш ниятида жиходга чиккан кишини жаннатга киритмокка ёки уни ўз масканига кўлга киритган ажр ва ўлжалар билан кайтармокка Аллох таолонинг ўзи кафолат берди”...

35-боб. Аллох таолонинг: “Аллохнинг сўзини ўзгартирмокчи бўладилар (Фатх сураси, 15-оят) ва “Шубхасиз, у (Куръон хак билан ботилни) ажрим этувчи сўздир. У хазил (беҳуда сўз) эмасдир (« Торик» сураси, 13-14-оятлар) – деган сўзи хусусида.

7491-ҳадис. *Абу Хурайра ривоят киладилар:* “Набий (с.а.в.) бундай дедилар: “Аллох таоло: “Одам боласи дахрни (замонни) сўкиб, менга азият етказди, вахоланки, дахр – мен ўзимдирман, туну кунни ўзгартириш иши менинг кўлимдадир!” – дейди...

44-боб. Аллох таолонинг: “Сўзингизни яширингиз ёки ошкора килингиз, (барибир) У диллардаги сирларни ҳам билувчидир! (Ахир) яратган зот (Ўзи яратган гарсаларини) билмайдими? У лутфли ва (барча нарсадан) хабардор зотдир» («Мулк» сураси, 13-14-оятлар) деган сўзи хақида.

7525-ҳадис. *Ибн Аббос Аллох таолонинг “Намозингни баланд овоз била ҳам, пичирлаб ҳам ўқимагин!” деган сўзи хусусида бундай дейдилар:* “Бу ояти карима Жаноб Расулulloх Маккада мушриклардан яшириниб юрган вақтларида нозил бўлган эди. У зот ўз саҳобалари билан намоз ўқиганларида овозларини чиқарсалар, мушриклар эшитиб Куръони каримни ҳам, уни нозил қилган Парвардигорни ҳам, пайгамбаримизни ҳам ҳақорат қилар эдилар. Шунда Аллох таоло ўз расулига: “Намозингни баланд овоз билан ўқимагин, мушриклар эшитиб Куръонни ҳақорат қиладилар, уни пичирлаб ҳам ўқимагин, саҳобаларингга эшиттира олмай коласан, ўртача бир йўлни танлагин!” – деди”.

7526-ҳадис. *Ойша (рз.):* “Аллох таолонинг “Намозингни баланд овоз билан ҳам, пичирлаб ҳам ўқимагин!” деган ояти каримаси дуо хусусида нозил бўлгандир”, - дейдилар.

7527-ҳадис. *Абу Хурайра ривоят киладилар:* “Жаноб Расулulloх: “Кимки Куръонни тажвид билан ўқимаса, биздан эмас!” – дедилар.

51-боб. Аллох таоло нозил қилган Таврот ва шу каби китобларни араб ва бошқа тилларда тафсир қилиш хусусида.

Аллох таолонинг сўзи: “Агар ўзларингизни (инкорингизда) ростгўй деб билсангиз, Тавротнинг келтириб, ўқиб кўрингиз” (“Оли Имрон” сураси, 93-оят).

7541-ҳадис. *Ибн Аббос ривоят киладилар:* “Абу Суфён ибн Харб менга хабар бердики, Рум кайсари Хиракл ўз таржимонини чакирибди, сўнг Набий (сав)нинг мактубларини олиб келмокни буюрибди. Кейин, уни ўқиттириб кўрса, унда “Бисмиллохир рахмонир рахим, Аллох таолонинг расули бўлмиш Мухаммад ибн Абдуллохдан Хираклга. Эй китоб ахли! Сизлару бизлар ўртамизда баробар бўлган сўзга келинглари!”, деб ёзилган экан”.

7542-ҳадис. *Абу Хурайра ривоят киладилар:* “Китоб ахли Таврони ибронийча ўқиб, уни ислом ахлига араб тилида тафсир килар эди. Жаноб Расулуллох (сав): “Китоб ахлига ишонманглари хам, уларни ёлгончига чиқарманглари хам! “Аллох таолога ва у нозил килган барча нарсаларга имон келтирганмиз” деб айтинглари!” – дедилар”.

7543-ҳадис. *Ибн Умар ривоят киладилар:* “Ўзаро зино килган бир яхудий эркак билан аёлни Расулуллох (сав)нинг хузурларига олиб келишди. Жаноб Расулуллох яхудийларга: “Бу иккисига қандай жазо берасизлар?” – дедилар. Яхудийлар: “Бундай ҳолда бизлар юзларига қора суртиб сазойи қиламиз” – дейишди. Жаноб Расулуллох (сав): “Агар гапингиз рост бўлса, Тавротни олиб келинг, ундан (шу жазо хусусидаги оятни топиб) ўқинглари!” – дедилар. Улар Тавротни олиб келишиб, ўзлари ишонган бир яхудийга беришди-да: “Эй Аъвар, ўқигин”, - дейишди. У Тавротни очиб ўқий бошлади, кейин бир жойига келганда ўқишдан тўхтаб, ўша жойни кўли билан беркитди. Ибн Салом: “Кўлингни ол!” – деди. У кўлини олган эди, беркитган жойида ражм ояти (яъни, зинокорларни тошбўрон қилиш қераклиги ҳақидаги оят) ёзилган экан. Шунда яхудий: “Эй Мухаммад! Бизлар уларни ражм қилишимиз қерак бўлса хам буни бир-биримиздан яширамиз”, - деди. Жаноб Расулуллох зинокорларни ражм қилишга амр килган эдилар, улар ражм қилинди. Шунда яхудий эркак ўз маъшуқасини отилаётган тошлардан пана қилишга ҳаракат қилар эди”.

58-боб. Аллох таолонинг: “Қиёмат қуни адолат тарозуларини ўрнатамиз” (“Анбиё” сураси, 47-оят) – деган сўзи хусусида.

7563-ҳадис. *Абу Хурайра (р.з.) ривоят киладилар:* “Раҳмонга суюқли, тилга (айтиш) осон ва тарозуда оғир қеладиған икки сўз мавжуд бўлиб, улар – “Субхоналлох ва бихамдиҳи” ҳамда “Субхоналлоҳи-л-азим”, - дедилар”.